

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИLMИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИLMИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.16/30.12.2019.К/Т.87.01 РАҚАМЛИ ИLMИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИLMИЙ ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ

КУРБАНОВА АЙСУЛТАН АБАТБАЕВНА

АММИАКЛИ УСУЛДА КАЛЬЦИЙЛАНТИРИЛГАН СОДА ИШЛАБ
ЧИҚАРИШДА ҲОСИЛ БЎЛУВЧИ ЧИҚИНДИ ДИСТИЛЛЕР
СУЮҚЛИГИДАН ТАЙЁР МАҲСУЛОТ ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ
ИШЛАБ ЧИҚИШ

11.00.05 - Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона
фойдаланиш

КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент - 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Курбанова Айсултан Абатбаевна

Аммиакли усулда кальцийлантирилган сода ишлаб чиқаришда ҳосил бўлувчи чиқинди дистиллер суюқлигидан тайёр маҳсулот олиш технологиясини ишлаб чиқиш 3

Курбанова Айсултан Абатбаевна

Разработка технологии получения готового продукта из отработанной дистиллерной жидкости, образующейся при производстве кальцинированной соды аммиачным способом..... 21

Kurbanova Aysultan Abatbayevna

Development of technology for obtaining a finished product from waste distiller liquid formed in the production of calcified soda by the ammonia method..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 42

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИLMИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИLMИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.16/30.12.2019.К/Т.87.01 РАҚАМЛИ ИLMИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИLMИЙ ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ

КУРБАНОВА АЙСУЛТАН АБАТБАЕВНА

АММИАКЛИ УСУЛДА КАЛЬЦИЙЛАНТИРИЛГАН СОДА ИШЛАБ
ЧИҚАРИШДА ҲОСИЛ БЎЛУВЧИ ЧИҚИНДИ ДИСТИЛЛЕР
СУЮҚЛИГИДАН ТАЙЁР МАҲСУЛОТ ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ
ИШЛАБ ЧИҚИШ

11.00.05 - Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона
фойдаланиш

КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясида В2024.3.PhD/К853 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент кимё-технология илмий тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tktiti.uz) ва «Зиенет» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Вафаев Ойбек Шукруллаевич
техника фанлари доктори, катта илмий ходим

Расмий оппонентлар:

Мухамедов Қобилжон Гафурович
техника фанлари доктори, профессор

Султонов Шавкат Абдуллаевич
кимё фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент кимё – технология институти

Диссертация химояси Тошкент кимё-технология илмий тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.16/30.12.2019.К/Т.87.01 рақамли илмий кенгашнинг 2025 йил “15” май соат “09.00” даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111116 Тошкент тумани, Ибрат МФЙ., Шуробозор. Тел.: (+99895) 144-67-83 E-mail: ooo_tniixt@mail.ru, TKTITI@exat.uz).

Диссертация билан Тошкент кимё-технология илмий тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (№ 2025/08 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111116, (Тошкент тумани, Ибрат МФЙ., Шуробозор. Тел.:(+99895) 144-67-83,E-mail: ooo_tniixt@mail.ru, TKTITI@exat.uz).

Диссертация автореферати 2025 йил «18» апрель куни тарқатилди.

(2025 йил «18» апрелдаги 2025/08 рақамли реэстр баённомаси)



Джалилов А.Т.
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси,
к.ф.д., проф., академик

Киёмов Ш.Н.
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш котиби,
т.ф.д., к.и.х.

Бекиязаров Х.С.
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, т.ф.д., проф

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёда атроф-муҳитни зарарли ишлаб чиқариш жараёнларидан келиб чиқадиган турли хил чиқиндиларнинг табиатга таъсирини камайтириш, уларни қайта ишлаш ва экологик хавфсизлигини таъминлаш масаласи долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Шу муносабат билан чиқиндиларни қайта ишлаб фойдали маҳсулотлар олиш орқали иқтисодий самарадорликни ошириш, корхоналарнинг ишлаб чиқариш жараёнларини оптималлаштириш ва атроф-муҳитга зарарли таъсирини камайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда аммиакли усулда кальцийлантирилган сода ишлаб чиқариш жараёнидан ҳосил бўладиган чиқинди дистиллер суюқлигини атроф муҳитга зарарини камайтириш мақсадида унинг таркибини таҳлил қилиш, қайта ишлаш усулларини ишлаб чиқиш ва ундан турли маҳсулотлар олиш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада дистиллер суюқлигидан аммиакни қайта тиклаш ва уни ишлаб чиқариш жараёнига қайтариш, биологик усуллар ёрдамида тозалаш, тайёр маҳсулотлар олиш технологиясини такомиллаштириш, ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириш ҳамда қўллаш соҳаларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда маҳаллий хомашёлар ва иккиламчи маҳсулотлар асосида импорт ўрнини босувчи янги турдаги маҳаллий маҳсулотларни олиш, турларини кенгайтириш ҳамда уларни турли соҳаларда қўллаш бўйича илмий ва амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида «маҳаллий хомашё ва иккиламчи ресурслардан импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар олиш технологияларини яратиш»¹ га йуналтирилган муҳим вазифалар белгиланган. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-307-сонли қарорига мувофиқ, 4-иловада “Ўзкимёсаноат” АЖ томонидан 2023–2026 йилларда иқтисодиёт тармоқларида амалга ошириладиган “драйвер” инновацион лойиҳалар рўйхатига киритилган “Қўнғирот сода заводи” МЧЖ қўшма корхонасининг чиқинди маҳсулоти — дистиллер суюқлигидан тайёр маҳсулот олиш бўйича экологик тоза, иқтисодий самарали ва инновацион технологияларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 13-февралдаги “Кимё саноати корхоналарини такомиллаштириш, юқори қўшимча қийматга эга кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш” тўғрисидаги ПҚ-4992-сонли қарори,

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 30 октябрдаги 5863-сонли "Ўзбекистон Республикасининг 2030-йилгача атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида" ги фармони ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимё технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Аммиак усули билан кальцийлантирилган сода ишлаб чиқариш жараёнидан ҳосил бўлган дистиллер суюқлигидан тайёр маҳсулот олиш технологиясини ишлаб чиқиш ҳамда халқ хўжалигининг турли соҳаларида ишлатиш бўйича чет элда Быковский Н.А., Даминев Р.Р., Курбанғалиева Л.Р., Мухаметов А.А., Мустафин А.Г., Воронин А.В., Бикбулатов И.Н., Насиров Р.Р., Фанакова Н.Н., Лапшаков Н.В., Опарина Ф.Р., Галиева О.М., Республикамиз олимларидан Эркаев А.У., Турабжонов С.М., Реимов А.М., Искендеров А.М., Тоиров З.К. ва бошқалар илмий тадқиқот ишларини олиб борганлар.

Ушбу тадқиқотларда дистиллер суюқлигининг атроф-муҳитга таъсир даражасини биотестлаш ва фитотестинг аниқлаш, электролиз, буғлатиш усулларида қайта ишлаш, натрий гидроксиди, кальций пероксиди, β-кальций силикат, мелиорант маҳсулотлари ишлаб чиқариш, олинган маҳсулотларни қўлланиш соҳаларини кенгайтириш ва технологияларини такомиллаштириш тавсия этилган.

Ҳозирда аммиак усули билан кальцийлантирилган сода ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўладиган дистиллер суюқлигидан тайёр маҳсулот олиш технологиясини такомиллаштириш натижасида янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг самарали технологияларини яратиш ва уларни амалиётда қўллаш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Тошкент кимё-технология илмий-тадқиқот институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ И-БТ-2021-66 рақамли "Кул ва шлак чиқиндиларидан алюминосиликат микросфераларини олишнинг янги технологиясини ишлаб чиқиш" мавзусидаги амалий (2021-2022 йй.) лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Аммиакли усул билан кальцийлантирилган сода ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўлувчи суюқ чиқинди – дистиллер суюқлигидан тайёр маҳсулот олиш технологиясини ишлаб чиқиш ҳамда унинг атроф-муҳитга зарарли таъсирини камайтириш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

"Қўнғирот сода заводи" МЧЖ қўшма корхонасининг кальцийлантирилган сода ишлаб чиқариш жараёнидан ҳосил бўлувчи дистиллер суюқлигининг, табиий муҳитнинг асосий таркибий қисмларига зарарли таъсирини аниқлаш;

дистиллер суюқлигининг кимёвий-минералогик таркиби, физик–кимёвий хоссалари ва тайёр маҳсулотлар олиш учун оҳак куйдириш печларидан ажраладиган газларнинг кимёвий таркибини аниқлаш;

дистиллер суюқлигидан кимёвий чўктирилган бўр, натрий хлорид, донадор кальций хлорид ва сода ишлаб чиқаришининг минерал маҳсулоти (СИЧММ) каби тайёр маҳсулотларни олиш усуллари ишлаб чиқиш;

олинган маҳсулотларнинг таркиби, тузилиши, кимёвий хоссаларини замонавий физик-кимёвий тадқиқот усуллари ёрдамида аниқлаш;

дистиллер суюқлигини филтрлаш жараёнининг мақбул шароити ҳамда филтратни карбонизациялашнинг самарали технологиясини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида "Қўнғирот сода заводи" МЧЖ қўшма корхонасининг аммиакли усул билан кальцийлантирилган сода ишлаб чиқариш жараёнидан ҳосил бўлувчи суюқ чиқинди – дистиллер суюқлиги ҳамда кимёвий чўктирилган бўр, натрий хлориди, донадор кальций хлориди ва (СИЧММ) каби тайёр маҳсулотлар танланган.

Тадқиқотнинг предмети аммиакли усулда сода ишлаб чиқариш жараёнидан ҳосил бўлувчи чиқинди дистиллер суюқлигидан фойдали тайёр маҳсулотлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга тадбиқ этиш учун зарур бўлган илмий-тадқиқотлар ҳамда технологиялар йиғиндиси ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишини бажаришда кондуктометрик, потенциометрик, гравиметрик, сканерловчи электрон микроскоп, титриметрик, аргентометрик, меркурометрик, термогравиметрик ва рентген диффракцион таҳлили усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тайёр маҳсулотлар олиш учун дистиллер суюқлигининг кимёвий-минералогик таркиби тўлиқ таҳлил қилинган ва ундан саноатда иккинчи даражали ресурс сифатида фойдаланиш мумкинлиги аниқланган;

оҳак куйдириш печларидан ажраладиган карбонат ангидрид гази билан дистиллер суюқлигини 65-75°C ҳароратда ва 7,5-8,0 рН қийматида карбонизация қилиш, тайёр маҳсулот олиш учун мақбул шароит эканлиги аниқланган.

кимёвий чўктирилган бўр олиш жараёнидаги тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш қурилмаларининг деворига кальцийли бирикмалар қотиб қолишининг олдини олиш усули ишлаб чиқилган;

дистиллер суюқлигидан тайёр маҳсулот олиш жараёнининг такомиллашган иқтисодий самарадор технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

дистиллер сууюклигини оҳак куйдириш печларидан ажралиб чикувчи карбонат ангидрид гази ёрдамида чиқиндисиз қайта ишлашнинг кабонизация усули ишлаб чиқилган;

дистиллер сууюклигидан сифатли СИЧММ, кимёвий чўктирилган бўр (CaCO_3), ош тузи (NaCl), донадор кальций хлориди (CaCl_2) олиш технологияси ишлаб чиқилган;

“Қўнғирот сода заводи” МЧЖ қўшма корхонасида чиқиндиларни қайта ишлаб, ишлаб чиқариш жараёнларини оптималлаштириш, иқтисодий самарадорликни ошириш ва атроф-муҳитга зарарли таъсирини камайтириш орқали ҳудудий биологик мувозанатни таъминлаш имкони аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Олинган материалларнинг идентификациясига асосланган хулосалар ва тавсиялар юқори информатсион, замонавий физик-кимёвий таҳлил, термогравиметрик анализ, рентген дифракцион таҳлиллардан фойдаланилганлиги ва олинган натижаларнинг бошқа тажрибалар натижалари билан таққослаш орқали математик статистикага асосланганлиги, назарий ва экспериментал тадқиқотларнинг ўзаро мутаносиблиги ҳамда тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти сууюқ чиқинди – дистиллер сууюклигининг таркиби, физик-кимёвий хусусиятлари аниқланиб уни қайта ишлаш жараёнига таъсир қилувчи омилларни чуқур ўрганиб, тайёр маҳсулот олишда асосий технологик кўрсаткичлар динамикасини назорат қилиш ва уларнинг таъсир механизмларини бошқариш орқали тўрт хил турдаги сифатли маҳсулотлар олиниши билан изоҳланади;

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, дистиллер сууюклигидан тайёр маҳсулот олиш жараёнини самарали бошқариш ва чиқиндиларни қайта ишлаш орқали импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш, шунингдек, табиий муҳитнинг асосий таркибий қисмларига зарарли таъсирини камайтириш ва экологик ҳолатни яхшилашга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. “Қўнғирот сода заводи” МЧЖ қўшма корхонасининг аммиакли усулда кальцийлантирилган сода ишлаб чиқаришда ҳосил бўлувчи чиқинди дистиллер сууюклигидан тайёр маҳсулот олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган илмий тадқиқот натижалари асосида:

дистиллер сууюклигидан СИЧММ, кимёвий чўктирилган бўр (CaCO_3), ош тузи (NaCl) ва донадор кальций хлоридини (CaCl_2) олиш усули “Қўнғирот сода заводи” МЧЖ қўшма корхонасида амалиётга жорий қилинган (“Қўнғирот сода заводи” МЧЖ қўшма корхонасининг 02.07.2024 й № 423-02 сон маълумотномаси). Натижада импорт ўрнини босувчи юқори сифатли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини берган;

оҳак куйдириш печларидан ажраладиган карбонат ангидрид газидан фойдаланиб дистиллер сууюклигини қайта ишлаш усули “Қўнғирот сода

заводи” МЧЖ қўшма корхонасида амалиётга жорий қилинган (“Қўнғирот сода заводи” МЧЖ қўшма корхонасининг 02.07.2024 й № 423-02 сон маълумотномаси). Натижада кальцийлантирилган сода ишлаб чиқариш жараёнининг атроф-муҳитга антропоген таъсирини камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг асосий натижалари 6 та илмий-амалий, шу жумладан 4 та халқаро ва 2 та республика миқёсидаги анжуманларда маърузалар қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 мақола, жумладан, 3 таси республика, 3 таси хорижий журналларда нашр этилган ҳамда 1-та фойдали модел патенти олинган.

Диссертация таркиби ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, диссертациянинг ҳажми 104 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети, ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг усуллари тавсифланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, ўтказилган тадқиқотларнинг ишончлилиги, апробацияси ва натижаларнинг нашр қилиниши, диссертациянинг ҳажми, тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Аммиакли усулда кальцийлантирилган сода ишлаб чиқаришда ҳосил бўлувчи чиқинди дистиллер суюқлигидан тайёр маҳсулот олишнинг замонавий истиқболлари”** деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. Маълумотлар умумлаштирилган ва илмий-таҳлилий хулосалар чиқарилган ҳамда илмий адабиётлардаги маълумотлардан келиб чиққан ҳолда диссертация ишининг мақсади, вазифалари, долзарблиги ва муҳимлиги белгилаб берилган.

Диссертациянинг **«Тадқиқот объекти ва физик-кимёвий тадқиқот усуллари ҳамда “Қўнғирот сода заводи” МЧЖ ҚК дистиллер суюқлигини йиғиш ҳавзаларининг экологик муаммолари ва уларни бартараф қилиш йўллари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объекти, усуллари “Қўнғирот сода заводи” МЧЖ ҚК дистиллер суюқлигини

йиғиш ҳавзаларининг экологик муаммолари ва баргараф этиш ҳамда ушбу боб бўйича хулоса келтирилган.

“Қўнғирот сода заводи” МЧЖ қўшма корхонасида дистиллер суюқлиги I ва II босқич кальцийлантирилган сода ишлаб чиқаришнинг дистилляция жараёнидан сўнг, суюқ чиқиндилар учун ажратилган чиқинди сақлаш ҳавзаларига қуйилади. Технологик жараённинг барқарор ишлашида дистиллер суюқлигининг ҳосил бўлиш миқдори - 1 тонна тайёр маҳсулот учун 9,08 - 10 м³ ни ташкил қилади. Корхонанинг йиллик қуввати 200 минг тоннани ташкил этгани боис, кунига ажраладиган дистиллер суюқлигининг ҳажми 5500 - 6000 м³ ни, йилига эса 2 миллион м³ дан ортиқ миқдорни ташкил этади. 1-жадвалда “Қўнғирот сода заводи” МЧЖ ҚК дистиллер суюқлигини сақлаш ҳавзасидан олинган намунанинг таҳлил натижалари келтирилган.

1-жадвал

“Қўнғирот сода заводи” МЧЖ ҚК дистиллер суюқлигини сақлаш ҳавзасидан олинган намунанинг таҳлил натижалари

№	Кўрсаткичлар номи	Регламентга мувофиқ меъёр, % (оғир.)	Намунанинг суюқ қисми (шаффоф суюқлик), % (оғир.)	Намунанинг қуюқ қисми, қуруқ модда ҳисобида (қаттиқ жисм), % (оғир.)
1	Натрий хлориди NaCl	4,16	6,79	5,84
2	Натрий сульфати Na ₂ SO ₄	0,29	0,06	-
3	Кальций сульфати CaSO ₄	-	-	6,40
4	Кальций оксиди CaO	0,49	0,11	-
5	Кальций карбонати CaCO ₃	0,52	0,19	84,09
6	Магний карбонати MgCO ₃	-	-	2,52
7	Магний оксиди MgO	0,08	0,034	-
8	Кальций хлориди CaCl ₂	10,81	12,90	-
9	Сувда эримайдиган қолдиқлар	-	-	0,4
10	Водород кўрсаткичи pH	-	12,1	-

Олинган таҳлил натижаларидан кўриниб турибдики, эриган кальций ва натрий хлоридларининг муҳим қисми суюқ фазада қолади, шу билан бирга эриган сульфатлар ҳам суюқ фазага ўтади. Дистиллер суюқлигидан кенг фойдаланишга тўсқинлик қилувчи омил - унинг водород кўрсаткичи pH қийматининг юқори бўлиши ва тузнинг умумий миқдори бўлиб, бу токсикологик хавфни туғдирадиган асосий омил бўлиб ҳисобланади.


Сода ишлаб чиқариш жараёнидан чиқувчи дистиллер суюқлиги билан бирга, таркибида кўп миқдорда хлоридлар, сульфатлар ва карбонатлар бўлган оқава сувлар (концентрат, буғланган сув, КНС-3 суви) ҳам кунига 1300 м³ миқдорда ушбу чиқинди сақлаш ҳавзасига ташланади. 2-жадвалда оқава сувларнинг кимёвий таҳлил натижалари келтирилган, ушбу таҳлиллар давлат стандартлари талабларига мувофиқ амалга оширилди.

Оқава сувларнинг кимёвий таҳлил натижалари

№	Кўрсаткичлар номи	Регламентга мувофиқ меъёр		Таҳлил натижалари		
		Бошланғич сув	Қисман юмшатишган сув	ДОУ дан чиқувчи буғлатилган сув	I - босқич тескари осмос концентрати	3-сон КНС суви
1	Умумий қаттиқлик, мг-эқв/дм ³	12,8	3,0	0,65	18,0	1,7
2	Умумий ишқорийлик, мг-эқв/дм ³	2,6	0,6	50	5,2	3,2
3	-кальций Са ²⁺ , мг-эқв/дм ³	6,4	3,0	0,35	10,2	1,2
4	-магний Mg ²⁺ , мг-эқв/дм ³	6,4	0	0,3	7,8	0,5
5	-хлоридлар Cl, мг/дм ³	366	366,15	4219,4	538,9	255,3
6	-сульфатлар SO ₄ ²⁻ , мг/дм ³	645	662,81	4056,4	878,4	261,3
7	Умумий туз миқдори, мг/дм ³	1689	1605,53	15420	1767	744
8	Механик аралашмалар, %	0	1,5 дан кўп бўлмаган	0,01	0,017	0,02
9	pH	7	7/7,5	13,3	9,3	11,1

1-расмда дистиллер суюқлигини сақлаш ҳавзасининг тепадан кўриниши ва эгаллаган майдонини кўриш мумкин. 2-расмда дистиллер суюқлигини сақлаш ҳавзасининг ён атрофидаги зарарланган ерларнинг тепадан кўриниши ва эгаллаган майдони, ҳавзанинг тўлдирилган ҳажми ва суюқ чиқиндининг ҳавзадан сизиб чиқиш жойлари ва бунинг оқибатида тупроқ минерализациясининг ошишидан ер майдонларининг қорайиб кетганлигини кўриш мумкин.

3-жадвалда зарарланган ерлардан олинган тупроқ намуналарининг шўрланиш даражасига қилинган таҳлил натижалари келтирилган. Ушбу кимёвий таҳлиллар 2-расмда келтирилган контур белгилари асосида олинган намуналарда ГОСТ 26424-85, 26425-85, 26426-85, 26427-85, 26428-85, 26713-85 давлат стандартлари талабларига мувофиқ олиб борилди. Унга кўра зарарланган ерлардан олинган тупроқ намуналари таркиби жуда кучли шўрланиш даражасига эгаллиги маълум бўлди.



1-расм. Дистиллер суюқлигини сақлаш хавзасининг тепадан кўриниши ва эгаллаган майдони



2-расм. Дистиллер суюқлигини сақлаш хавзасининг ён атрофидаги зарарланган ерларнинг тепадан кўриниши ва эгаллаган майдони

3-жадвал. Зарарланган ерлардан олинган тупроқ намуналарининг шўрланиш даражасига қилинган таҳлил натижалари

Контур №	Қуруқ қолдик, %	CO ₃ ²⁻ %	HCO ₃ ⁻ %	Cl ⁻ %	SO ₄ ²⁻ %	Ca ²⁺ %	Mg ²⁺ %	Na ⁺ %	K ⁺ %	Шўрланиш типи	Шўрланиш даражаси
К-1	30,48	0,24	1,22	3,19	0,36	0,75	0,1	3,01	1,39	Cl ⁻	Жуда кучли шўрланган
К-2	10,08	0,36	0,61	4,26	0,24	0,40	0,51	2,55	0,66	Cl ⁻	Жуда кучли шўрланган
К-3	26,63	0,3	0,48	7,45	11,4	0,35	0,48	3,15	0,72	Cl ⁻ - SO ₄ ²⁻	Жуда кучли шўрланган
К-4	20,93	0,15	0,42	10,82	0,12	0,50	0,97	5,24	1,65	Cl ⁻	Жуда кучли шўрланган
К-5	7,37	0,07	0,24	2,92	0,48	0,12	0,30	2,34	0,47	Cl ⁻	Жуда кучли шўрланган

Чиқиндиларни утилизация қилиш

“Қўнғирот сода заводи” МЧЖ кўшма корхонасида кальцийлантилган сода ишлаб чиқариш жараёнида - техник натрий хлориди NaCl эритмасини тозалаш асосий жараёнлардан бири ҳисобланади ва бу жараёндан - 1 тонна тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш учун 0,08 тонна миқдорида лой чиқиндилари ҳосил бўлади ва юк машиналари ёрдамида маиший чиқинди омборига (полигонга) ташилади. Олиб борилган ҳисоб китобларга кўра лой чиқиндиси ажралиб чиқишининг кунлик миқдори $600 \cdot 0,08 = 48$ тоннани ташкил қилади.

4-жадвалда чиқинди омборига (полигонига) ташланадиган пресс фильтридан олинган лой чиқиндининг кимёвий таҳлил натижалари келтирилган. Бундан кўриниб турибдики, лой чиқинди таркибидаги натрий хлорид миқдори 15% дан ортади, бу эса атроф-муҳитдаги ҳаво ва тупроқнинг шўрланишининг асосий омилдир.

4-жадвал.

Пресс фильтридан олинган лой чиқиндининг кимёвий таҳлил натижалари

№	Кўрсаткичлар номи	Регламентга мувофиқ меъёр, % (оғир.)	Таҳлил натижалари % (оғир.)
1	Натрий хлориди NaCl	14,33	15,61
2	Кальций карбонати CaCO ₃	31,05	38,75
3	Магний гидроксиди Mg(OH) ₂	8,96	14,04
4	Кальций сульфати CaSO ₄	0,13	1,02
5	Эримайдиган моддалар	4,43	13,71
6	Намлик	40,51	16,67

Диссертациянинг “Дистиллер суюқлигидан тайёр маҳсулот олишнинг тадқиқот натижалари ва уларнинг муҳокамаси” деб номланган учинчи бобида чиқиндилардан, яъни дистиллер суюқлигидан тайёр маҳсулот олиш технологиясида хом ашё сифатида ишлатиладиган дистиллер суюқлиги ва оҳак куйдириш печларидан чиқадиган карбонат ангидриднинг кимёвий таркиби катта аҳамиятга эгалиги ва ушбу технология учун хом ашёнинг кимёвий таркиби ва физик-кимёвий кўрсаткичлари бўйича таҳлиллар тегишли стандарт талабларига мувофиқ амалга оширилган ва улар тўғрисида тадқиқотлар олиб борилган.

Дистиллер суюқлигининг кимёвий таркибини аниқлаш учун таҳлил натижаларини ўтказиш туз таркибидаги ионларнинг массаси фоизида ифодаланган ҳолда ГОСТ 13685-84 га мувофиқ ҳисобланди.


Синов натижаларига кўра дистиллер суюқлигининг кимёвий таркиби 5-жадвалда келтирилган.

Дистиллер суюқлигининг кимёвий таркиби

№	Кўрсаткичлар номи	Регламентга мувофиқ меъёр, % (оғир.)	Таҳлил натижалари, % (оғир.)
1	Натрий хлориди NaCl	4,16	4,25
2	Натрий сульфати Na ₂ SO ₄	0,29	0,17
3	Кальций оксиди CaO	0,49	0,28
4	Кальций карбонати CaCO ₃	0,52	0,5
5	Магний оксиди MgO	0,08	0,05
6	Кальций хлориди CaCl ₂	10,81	10,20
7	Водород кўрсаткичи pH	-	10,5
8	Сувда эримайдиган қолдиқлар	-	2,77

Олиб борилган тадқиқотлар натижасига кўра, дистиллер суюқлигининг кимёвий таркиби - технологик жараёнларни амалга ошириш учун ишлатилган хом ашё сифати ва ускуналарнинг тизимли ишлаш тартибига қараб ўзига хос ўзгаришларга мойил бўлиши аниқланди.

Дистиллер суюқлиги таркибини рентгенологик таҳлил қилиш жараёнида асосий фазалар кальций хлорид ва натрий хлорид эканлиги маълум бўлди.



3-расм. Дистиллер суюқлигининг рентген тасвири

Диффракция максимумлари кальций хлорид ва натрий хлорид фазаларининг мавжудлигини кўрсатмоқда. Асосий максимумлар кальций хлорид фазасининг устунлигини билдиради. Қуйида ўтказилган таҳлил натижаларини кўриб чиқамиз:

Диффракция максимумлари $d = 5.102, 4.425, 3.568 \text{ \AA}$ асосий кальций хлорид фазасини кўрсатмоқда.

Паст интенсивликдаги диффракция максимумлари $d = 2.622, 2.812, 2.148 \text{ \AA}$ натрий хлорид фазаларини билдиради.

Бу диффракция максимумлари таркибида кальций хлорид ва натрий хлорид фазаларининг мавжудлигини аниқ кўрсатмоқда. Кальций хлорид фазаси асосий фазалардан бири бўлиб, таркибидаги бошқа фазаларга нисбатан устунлик қилмоқда.

“Кўнғирот сода заводи” МЧЖ қўшма корхонасининг оҳак куйдириш печидан олинган печ газининг кимёвий таҳлил натижалари б жадвалда келтирилган. Таҳлиллар КГА 1-1 газ анализаторида абсорбция усулидан фойдаланган ҳолда ўтказилди.

**Оҳак куйдириш печидан олинган печ газининг кимёвий таҳлил
натижалари**

№	Кўрсаткичлар номи		Таҳлил натижалари	
	Таркиби	Молекула оғирлиги	кг/соат	кўламли % да
1	Углерод (IV) оксиди CO ₂	44,01	7492,23	25,89
2	Углерод (II) оксиди CO	28,00	-	-
3	Кислород O ₂	32,00	778,54	3,70
4	Азот N ₂	28,01	11584,27	62,89
5	Намлик	-	-	7,52
6	Умумий	кг/соат	19855,04	100
7	Ҳарорат	°C	40,00	

**Дистиллер суюқлигидан тайёр маҳсулот олиш учун оптимал
шароитларни ишлаб чиқиш**

Дистиллер суюқлигидан печ газидан фойдаланган ҳолда тайёр маҳсулот олишнинг лаборатория синовларини ўтказиш учун “Кўнғирот сода заводи” МЧЖ қўшма корхонасининг II босқич АДКФ (абсорбция, дистилляция, карбонизация, фильтрация) цехидан дистиллер суюқлиги намунаси олинди. Дистиллер суюқлиги, дистилляция жараёни натижасида ҳосил бўлган асосий суюқ чиқинди ҳисобланади.

Дистиллер суюқлиги аввал механик суспензиялардан филтрлаш орқали ажратилади. Филтрлаш жараёнида филтрлар дистиллер суюқлигидаги қаттиқ қолдиқни суюқликдан ажратди.

Кимёвий таркибини тўлиқ таҳлил қилиш учун дистиллер суюқлигининг қаттиқ қолдиғи қуриштириш печида 120°C ҳароратда дойимий оғирликга келгунича қуриштирилди.


Дистиллер суюқлигининг қаттиқ қолдиғи сода ишлаб чиқаришининг минерал маҳсулотидир (СИЧММ). Қуруқ шаклда, у 0,1-0,2 мм ўлчамдаги 70-80% заррачалардан ташкил топган очиқ кулранг рангдаги қаттиқ, бўлак шаклидаги, ёнмайдиган материалдир. Олинган СИЧММ нинг кимёвий таҳлил натижалари 7-жадвалда келтирилган.

СИЧММ нинг кимёвий таҳлил натижалари

№	Кўрсаткичлар номи	Таҳлил натижалари, % (оғир.)
1	Кальций карбонати CaCO ₃	75,5
2	Магний карбонати MgCO ₃	9,6
3	Кальций сульфати CaSO ₄	1,74
4	Натрий хлориди NaCl	1,95
5	Кальций хлориди CaCl ₂	3,1
6	Эримайдиган қолдиқ	1,2
7	Намлик	6,73

Филтрлаш жараёнидан сўнг СИЧММ намлиги паст бўлади ва қаттиқ фазада фақат оз миқдордаги кальций ва натрий хлорид тузлари қолади, бу СИЧММ нинг турли соҳаларда қўлланилишини кенгайтириш имконини беради.

СИЧММ кимёвий таркибининг термогравиметрик таҳлили ўтказилди. Таҳлил вақтида намуна ҳаво оқимида 20°C/мин тезликда қиздирилди. Масса ва иссиқлик оқимининг ўзгариши қайд этилди. Термогравиметрик таҳлил натижаларига кўра олинган СИЧММ намунасининг эгри чизиқлари 1-диаграммада кўрсатилган.



1- диаграмма. СИЧММ намунасининг термогравиметрик таҳлил натижаларига кўра олинган эгри чизиқлари

Температура диапазони: таҳлил 0°C дан 900°C гача бўлган диапазонда амалга оширилди.

Масса йўқотилиши: турли ҳароратларда масса йўқотиш кетма - кетлиги кузатилди. Масалан:

100°C: Масса йўқотилиши 0.68%.

200°C: Масса йўқотилиши 3.23%.

400°C: Масса йўқотилиши 11.48%.

700°C: Масса йўқотилиши 45.87%.


900°C: Масса йўқотилиши 46.89%.

Филтрлашдан кейин дистиллер суяқлигининг суяқ қисми карбонизация қилинди. Карбонизация учун карбонат ангидрид сифатида оҳактош куйдиришидан чикувчи печ гази ишлатилди:



Карбонизация жараёнида дистилляция жараёндан ортиб қолган қолдиқ кальций гидроксиди Ca(OH)₂ таркибида мавжуд бўлган фаол кальций оксиди CaO молекулалари карбонизацияланади. Карбонизация жараёни учун печ гази таркибидаги карбонат ангидрид концентрацияси CO₂ камида 21% бўлиши шарт. Печ газининг кимёвий таҳлил натижалари 5-жадвалда келтирилган.

Умуман олганда, карбонизация жараёни дистиллер суяқлигига карбонат ангидрид газининг CO₂ ютилиши ва ҳосил бўлган кимёвий чўктирилган бўрнинг чўкиши - қуйидагича давом этади:



Олинган кимёвий чўктирилган бўрнинг (CaCO₃) кимёвий таҳлил натижалари 8-жадвалда келтирилган.

**Кимёвий чўктирилган бўрнинг ГОСТ 8253-79 талабларига мувофиқ
кимёвий таҳлил натижалари**

№	Кўрсаткичлар номи	ГОСТ 8253-79 га мувофиқ меъёр		Таҳлил натижалари, % (оғир.)
		I нав, % (оғир.)	II нав, % (оғир.)	
1	Оқлик даражаси, кам бўлмаган	93	-	93
2	CaCO ₃ ва MgCO ₃ , CaCO ₃ бўйича, кам бўлмаган	98,5	97,0	99,21
3	СаО бўйича эркин ишқор, кўп бўлмаган	0,03	0,05	0,03
4	HCl да эримайдиган моддалар, кўп бўлмаган	0,1	0,3	-
5	Fe ³⁺ ва Al ²⁺ оксидлари, кўп бўлмаган	0,4	0,7	-
6	Mn ²⁺ , кўп бўлмаган	0,01	-	-
7	H ₂ O, кўп бўлмаган	0,5	1,5	0,5
8	ГОСТ 6613-86 мувофиқ № 0045К тўрли элакда элакдан ўтказилгандан кейинги қолдиқ, кўп бўлмаган	0,4	1,0	0,38
9	Тўқилма зичлик, г/см ³ , кўп бўлмаган	0,25	0,4	0,23

Фильтратни карбонизациялаш жараёни дистиллер суюқлигини унда эриган оҳак молекулаларидан тозалаш ва кимёвий чўктирилган бўр (CaCO₃) зарраларини чўктириш мақсадида амалга оширилади. Бу жараёнсиз, юқори ҳароратларда ишлайдиган буғлаткичларнинг иситиш қатламлари деворларида Ca²⁺ бирикмаларининг тез чўкиши кузатилади.


Карбонизация жараёни 65-75°C ҳароратда, 7,5-8,0 рН қийматида печ газидан фойдаланган ҳолда амалга оширилди. Карбонизация жараёнини 65-75°C ҳарорат оралиғида ўтказиш ионлар орасидаги ўзаро таъсир жараёнини тезлаштиради, натижада майда CaCO₃ зарралари ҳосил бўлади. 65°C дан паст ва 75°C дан юқори ҳароратларда кимёвий чўктирилган бўр таркибида йирик CaCO₃ зарраларининг улуши ортади. Зарраларнинг ҳарорат ўзгаришига юқори сезувчанлиги туфайли, бутун карбонизация жараёни давомида ҳарорат режимига қатъий риоя қилиш талаб қилинади.

Диссертациянинг “Дистиллер суюқлигидан тайёр маҳсулот олиш технологиясини ишлаб чиқиш ва техник иқтисодий самарадорлиги” деб номланган тўртинчи бобида оҳак печларининг печ газидан фойдаланган ҳолда чиқинди суюқликдан тайёр маҳсулот олишнинг технологиялари ёритилган. Карбонизация жараёни режимининг асосий назорат нуқтаси, карбонат ангидрид миқдори ва устунга кирадиган филтрланган дистиллер суюқлиги ўртасидаги мувофиқликни таъминлашдан иборат. Карбонизация жараёнининг якуний нуқтаси, ҳосил бўлган суспензияни фенолфталеин индикатори ёрдамида текшириш орқали аниқланади.

Карбонизация жараёнида ҳосил бўлган кимёвий чўктирилган бўр (CaCO₃) вакуум филтрлари ёрдамида суспензиядан ажратилади ва дистилланган сув билан ювилади, бу тайёр маҳсулотга хлор ионларининг чўкишини олдини олади. Фильтрат вакуум филтри дан сўнг

қуюқлаштирувчи ускунага берилади. Кейин қуюқлаштирувчидан насослар ёрдамида буғлатгичга берилади. Иситиш ва буғлатиш жараёнида буғлатиш батареясининг учинчи корпусида кальций хлориди CaCl_2 эритмаси концентрациясини 38-42% га кўтариш жараёнида натрий хлоридининг NaCl рангсиз кристаллари чўкмага тушади. Унинг кальций хлорид эритмасидан ажралиши эритмани чўктиргичларда тиндиришда ва кальций ионларидан натрий хлоридини ювиш билан центрифугаларда филтрлашда содир бўлади. Центрифугадан сўнг ҳосил бўлган NaCl кристаллари қуритиш аппаратида юборилади ва буғ босими 0,49 МПа дан 0,59 МПа гача бўлганда 120°C ҳароратда қуритилади. Қуритиш тайёр маҳсулотдаги намлик миқдори 0,52% дан ошмагунча амалга оширилади. Шундан сўнг тайёр натрий хлориди NaCl маҳсулоти барабанли совутгичда совутилади ва 0,18 ўлчамли элакдан ўтказилади.

Кальций хлорид эритмаси NaCl кристалларидан ажратилгандан сўнг, чўктиргичдан қуюқлаштирувчига ўтади ва 42% ли кальций хлорид эритмаси, суюлтирилган қатламли донадорлаш қурилмасига берилади. Дистиллер суюқлигидан тайёр маҳсулот олиш технологик схемаси 4-расмда кўрсатилган.



4-расм. Дистиллер суюқлигидан тайёр маҳсулот олиш технологик схемаси:

1,3 -қабул қилувчи резервуар; 2-пресс филтр; 4-карбонизатор; 5-вакуумли филтр; 6.12-қуритиш машинаси; 7.13-барабанли музлатгич; 8.15-қуюқлаштирувчи; 9-буғлатгич; 10-эритма йиғгич; 11-центрифуга; 14-тиндирувчи; 16- суюлтирилган қатламли донадорлаш қурилмаси.

CaCl_2 нинг донадорланиши 180°C ($150-200^\circ\text{C}$) ҳароратда, 2,5-3 м/с чиқинди газ тезлигида суюлтирилган қатламда амалга оширилади, кальций хлоридининг дастлабки эритмаси - чангни тозалашнинг хўл босқичининг чиқинди газлари ва қуритиш аппаратидан чиқарилган CaCl_2 нинг чанг фракцияларини қўшимча эриши туфайли концентрацияланади. Кейин, CaCl_2 эритмаси 48% концентрацияга келтирилади ва суюлтирилган қатламли

донадорлаш курилмасига пурков учун берилади, қатламнинг гидравлик қаршилиги эса 500-700 кг/м² оралиғида сақланади. Суюлтирилган қатламга пуркалган эритманинг концентрацияси 46% дан паст бўлса ва қатлам қаршилиги 0,51кг/м² дан паст бўлса, у ҳолда эритма таркибидаги намлик доналар юзасидан буғланишга вақт топа олмайди, бу агломерацияга, шунингдек заррачаларнинг (бир-бирига ёпишиши), катта бўлақларнинг пайдо бўлиши, панжара ёриқларининг бирлашиши ва СаСl₂ доналарини ҳосил қилиш жараёнининг тугашига олиб келади. Суюқликнинг оқувчанглигининг пасайиши ва керакли томчи дисперсияси билан пуркашнинг қийинлиги туфайли СаСl₂ эритмасининг концентрациясини 50% дан ортиқ ошириш мақсадга мувофиқ эмас.

Ишлаб чиқилган технологиянинг экологик, иқтисодий ва моддий самарадорлиги “Қўнғирот сода заводи” МЧЖ ҚК мисолида 9 жадвалда келтирилган.

9-жадвал.

Ишлаб чиқилган технологиянинг экологик, иқтисодий ва моддий самарадорлиги (“Қўнғирот сода заводи” МЧЖ ҚК мисолида)

№	Самарадорлик номи	Бирлиги	Йиллик миқдори
1	Кальцийлантирилган сода ишлаб чиқаришда ҳосил бўлувчи дистиллер суюқлигининг атроф муҳитга салбий таъсири камаяди	м ³	100 000
2	Дистиллер суюқлигини сақловчи чиқинди йиғгичнинг қурилиши ва эгаллаган ер майдони мўайян даражада иқтисод қилинади	-	-
3	Ишлаб чиқилган технология асосида олинган СИЧММ билан қаттиқ чиқинди полигонидаги чиқинди қайта ишланиб, атроф муҳитга салбий таъсирининг олди олинади	тн	16 000
4	Қаттиқ чиқинди полигони учун ажратилган ер майдони иқтисод қилинади	га	50
Моддий самарадорлиги			
5	Дистиллер суюқлигининг чиқинди йиғгичга ташлангани ва унинг атроф муҳитга кўрсатадиган салбий таъсири учун тўланадиган компенсация	сўм	185 млн
6	Қаттиқ чиқинди ташланадиган полигон ва унинг атроф муҳитга кўрсатадиган салбий таъсири учун тўланадиган компенсация	сўм	120 млн
7	100 000 м ³ дистиллер суюқлигини тижорат маҳсулотларига қайта ишлаш ва тайёр маҳсулотни сотишдан олинадиган фойда	сўм	19 млрд.
ЖАМИ		19 305 000 минг сўм	

Суюлтирилган қатламли донадорлаш курилмасида донадор СаСl₂ ишлаб чиқариш қуйидагича амалга оширилади: концентрацияси 42% бўлган СаСl₂ эритмаси чиқинди газларни нам тозалашни амалга оширадиган чанг йиғувчига киради, бу ерда СаСl₂ эритмаси концентрацияга буғланади ва 43% ни ташкил қилади, кейин контакт қозонига киради, бу ерда СаСl₂ эритмаси циклондан келадиган чанг билан аралашади. Циклон чанги СаСl₂ эритмасида

эритилгач, унинг концентрацияси 48% гача ошади. Контакт қозонидан 48% концентрацияли CaCl_2 эритмаси суюлтирилган қатламли қуритгичда насослар ёрдамида тешикчалар орқали пуркалади. Бу жараёнда, қатламдаги ҳарорат асосан 180 °C (150-200 °C) бўлиб, қатламдаги газ тезлиги 2,8 м/с (2,5-3,0 м/с) ташкил қилади. Натижада, сувсизланиш ва кальций хлорид моддасининг кристалланиши орқали донатор моддалар ҳосил бўлади. Бир хил донаторлик таркибли, мустаҳкам тузилишга ва паст намликка эга бўлган доналарни ҳосил қилиш учун, суюлтирилган қатламга пуркалган CaCl_2 эритмасининг концентрацияси 46-49% бўлиши шарт.

ХУЛОСА

Олиб борилган тадқиқотнинг илмий ва амалий натижалари умумлаштирилиб қуйдагича хулоса қилинди:

1. Ўзбекистон Республикасида саноат аҳамиятига эга бўлган “Қўнғирот сода заводи” МЧЖ қўшма корхонасининг сода ишлаб чиқариш жараёнидан ажралиб чиқувчи дистиллер суюқлиги тадқиқот объекти сифатида танлаб олиниб, унинг таркиби, тузилиши ва физик-кимёвий хоссаларини тадқиқ қилиш усуллари белгилаб олинди.

2. “Қўнғирот сода заводи” МЧЖ қўшма корхонаси дистиллер суюқлигини йиғиш ҳавзаларининг атроф муҳитга келтираётган салбий таъсирини аниқлаш ишилари жойларда ўрганилиб экологик муаммолари хулоса қилинди.

3. “Қўнғирот сода заводи” МЧЖ қўшма корхонаси сода ишлаб чиқариш жараёнидан ҳосил бўлувчи I – II босқич дистиллер суюқлиги таркиби титриметрик усулда давлат стандартлари талабларига мувофиқ аниқланди.

4. “Қўнғирот сода заводи” МЧЖ қўшма корхонасининг “Оҳактошни куйдириш ва оҳакни сўндириш” цехидан олинган печ газининг кимёвий таркиби КГА 1-1 газ анализаторида абсорбция усулида аниқланди.

5. Филтрлаш жараёнидан кейинги дистиллер суюқлигини карбонизациялаш орқали кимёвий чўктирилган бўр маҳсулоти олиниб унинг кимёвий таркиби ГОСТ 8253-79 талабларига мувофиқ аниқланди.

6. Олиб борилган тадқиқотлар асосида дистиллер суюқлигидан тайёр маҳсулот олиш технологияси такомиллаштирилиб технологик регламент ишлаб чиқилди.

7. “Қўнғирот сода заводи” МЧЖ қўшма корхонасининг аммиакли усулда кальцийлантирилган сода ишлаб чиқаришда ҳосил бўлувчи чиқинди дистиллер суюқлигидан тайёр маҳсулот олиш технологияси ишлаб чиқилганлиги тўғрисида 02.07.2024 й № 423-02 сон маълумотномаси олинди.

8. “Қўнғирот сода заводи” МЧЖ қўшма корхонасининг кальцийлантирилган сода ишлаб чиқаришда ҳосил бўлувчи дистиллер суюқлигини йиллик 100 000 м³ миқдорида қайта ишлаш орқали олинган тайёр маҳсулотни сотишдан кўриладиган фойда 19 млрд. сўмни ташкил этиши аниқланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.16/30.12. 2019.К/Т.87.01 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ ИНСТИТУТЕ ХИМИЧЕСКОЙ
ТЕХНОЛОГИИ**

**ТАШКЕНТСКИЙ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ
ХИМИЧЕСКОЙ ТЕХНОЛОГИИ**

КУРБАНОВА АЙСУЛТАН АБАТБАЕВНА

**РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИИ ПОЛУЧЕНИЯ ГОТОВОГО ПРОДУКТА
ИЗ ОТРАБОТАННОЙ ДИСТИЛЛЕРНОЙ ЖИДКОСТИ,
ОБРАЗУЮЩЕЙСЯ ПРИ ПРОИЗВОДСТВЕ КАЛЬЦИНИРОВАННОЙ
СОДЫ АММИАЧНЫМ СПОСОБОМ**

**11.00.05 - Охрана окружающей среды и рациональное использование
природных ресурсов**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по химическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при министерстве Высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за номером B2024.3.PhD/K853

Диссертация выполнена в Ташкентском научно-исследовательском институте химической технологии.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице по адресу www.tktiti.uz и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziynet.uz

Научный руководитель: Вафасв Ойбек Шукруллаевич
доктор технических наук, старший научный сотрудник

Официальные оппоненты: Мухамедов Кобилжон Гафурович
доктор технических наук, профессор
Султонов Шавкат Абдуллаевич
доктор химических наук, доцент

Ведущая организация: Ташкентский химико-технологический институт

Защита диссертации состоится «15» мая 2025 г. в «9⁰⁰» часов на заседании Ученого совета DSc.16/30.12.2019.K/T.87.01 при Ташкентском научно-исследовательском институте химической технологии по адресу: 111116, Ташкентская область, Ташкентский р-н, ул. Шурабазар, тел: (+99895) 144-67-83, E-mail: ooo_tniixt@mail.ru, TKTITI@exat.uz.

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Ташкентского научно-исследовательского института химической технологии за № 2025/08 с которой можно ознакомиться в ИРЦ (111116, Ташкентская область, Ташкентский р-н, п.о. Шурабазар, тел: (+99895) 144-67-83, E-mail: ooo_tniixt@mail.ru, TKTITI@exat.uz).

Автореферат диссертации разослан «18» апреля 2025 года.
(протокол рассылки № 2025/08 от «18» апреля 2025 года).



А.Т. Джалилов
Председатель научного совета
по присуждению учёных степеней,
д.х.н., проф., академик

Ш.Н. Киёмов
Учелый секретарь научного совета
по присуждению учёных степеней,
д.т.н., с.н.с.

Х.С. Бекназаров
Председатель научного семинара
при научном совете по присуждению
учёных степеней, д.т.н., проф.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день в мире одной из актуальных проблем остается вопрос снижения воздействия на природу различных видов отходов, возникающих в результате вредных производственных процессов, их переработки и обеспечения экологической безопасности. В связи с этим важно повысить экономическую эффективность за счет переработки отходов с получением полезной продукции, оптимизировать производственные процессы предприятий и снизить их вредное воздействие на окружающую среду.

В мире ведутся научно-исследовательские работы, направленные на анализ состава отработанной дистиллерной жидкости, образующейся в процессе производства кальцинированной соды аммиачным методом, с целью снижения вреда для окружающей среды, разработки методов переработки и расширения возможностей получения из нее различных продуктов. В связи с этим особое внимание уделяется регенерации аммиака из дистиллерной жидкости и его возврату в производственный процесс, очистке биологическими методами, совершенствованию технологии получения готовой продукции, повышению производительности производства и расширению областей применения.

В нашей республике достигаются научные и практические результаты по получению новых видов импортозамещающей отечественной продукции на основе местного сырья и вторичных продуктов, расширению их ассортимента и применению в различных отраслях. В Стратегии развития Нового Узбекистана определены важные задачи, направленные на «создание технологий получения импортозамещающей продукции из местного сырья и вторичных ресурсов»¹. В связи с этим, в соответствии с Постановлением Президента Республики Узбекистан № ПП-307, разработка экологически чистых, экономически эффективных и инновационных технологий получения готовой продукции из дистиллерной жидкости - отхода СП ООО "Кунградский содовый завод," включенного в перечень "драйверных" инновационных проектов, реализуемых АО "Узкимёсаноат" в отраслях экономики в 2023-2026 годах, имеет важное значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан № УП-60 от 28 января 2022 года "О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы," Постановлении Президента Республики Узбекистан № ПП-4992 от 13 февраля 2021 года "О совершенствовании предприятий химической промышленности, развитии производства химической продукции с высокой добавленной стоимостью," Указе Президента Республики Узбекистан № УП-5863 от 30 октября 2019 года "Об утверждении Концепции охраны окружающей среды Республики Узбекистан

¹ Указах и Постановлениях Президента Республики Узбекистан № УП-60 от 28 января 2022 года «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы

до 2030 года" и других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий в республике VII. «Химические технологии и нанотехнологии».

Степень изученности проблемы. За рубежом научные исследования по разработке технологии получения готового продукта из дистиллерной жидкости, образующейся в процессе производства кальцинированной соды аммиачным методом, и ее применению в различных отраслях народного хозяйства проводили Н.А. Быковский, Р.Р. Даминев, Л.Р. Курбангалиева, А.А. Мухаметов, А.Г. Мустафин, А.В. Воронин, И.Х. Бикбулатов, Р.Р. Насиров, Н.Н. Фанакова, Н.В. Лапшаков, Ф.Р. Опарина, О.М. Галиева, ученые нашей республики А.У. Эркаев, С.М. Турабжонов, А.М. Реймов, А.М. Искендеров, З.К. Тоиров и другие.

В этих исследованиях рекомендовано определение степени воздействия дистиллерной жидкости на окружающую среду биотестированием и фитотестированием, переработка методами электролиза, испарения, производство гидроксида натрия, пероксида кальция, β -силиката кальция, мелиорантной продукции, расширение областей применения полученных продуктов и совершенствование технологий.

